

## Москва давлат ер тузиш университети билан ҳамкорликда навбатдаги вебинар

Мутахассислик кафедраларида хорижнинг нуфузли университетлари билан халқаро ҳамкорликларни кенгайтириш, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг соҳага оид билимларни янада бойитиш ва хориж тажрибаларини ўргатиш мақсадида Москва давлат ер тузиш университети (МДЕТУ) ва ТИҚХММИ ўртасида 2020-2021 ўқув йили учун онлайн вебинарларни ўтказиш режаси тасдиқланган.



2021 йил 9 апрель куни “Ердан фойдаланиш” кафедрасида МДЕТУ билан ҳамкорликда навбатдаги вебинар ташкил этилди. Мазкур вебинарда Россия қишлоқ хўжалиги фанлари академияси муҳбир аъзоси, и.ф.д., профессор Гальченко Светлана Альбертовна спикерлик қилди. Профессор С.А. Гальченко “Кадастр ҳисоби ва рўйхатга олиш механизмини такомиллаштириш” мавзусида маъруза қилди ва тингловчиларни Россия тажрибаси билан таништирди.



Вебинарда “Ер ресурсларини бошқариш” факультети профессор-ўқитувчилари, битирувчи курс талабалари ва магистрантлар ҳамда “Ўздаверлойиҳа” институтида мутахассислар иштирок этишди. Тингловчилар вебинар якунида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди ва хориж тажрибаси билан фикр алмашишди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**